

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамиятги акциядорларининг 2016 йил якуни бўйича
навбатдаги йиллик умумий йигилиши**
БАЁНИ

Йигилиш ўтказилган сана: 23 июнь 2017 йил

Йигилиш ўтказилган вакт: соат 11-00

Йигилиш ўтказилган жой: Фарғона шахри, Меъмор кўчаси 9 уйда жойлашган жамият
мажлислар зали

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони- 3 643 308 дона;

Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони- 3 111 624 дона

Умумий йигилиш кворуми- 85,41 %

Қатиашдилар:

№ т/р	Ф.И.Ш.	Акциядорнинг номи	Акциялар сони, дона	Улуши, (%)
1.	Умиров Дилшод Муминович	“Ўзпахтаёғ” АЖнинг ишончли вакили, бўлим бошлиги	3095500	84,96
2.	Махмудова Зуннурा	Жисмоний шахс, акциядор	344	0,01
3.	Мирзаахмедов Аҳмаджон	Жисмоний шахс, акциядор	4176	0,11
4.	Хусанов Қаҳҳоржон	Жисмоний шахс, акциядор	988	0,03
5.	Худояров Неймат	Жисмоний шахс, акциядор	808	0,02
6.	Эминова Минаввар	Жисмоний шахс, акциядор	464	0,01
7.	Нишонов Мурод	Жисмоний шахс, акциядор	428	0,01
8.	Хусанов Нафиса	Жисмоний шахс, акциядор	1064	0,03
9.	Просвирнина Ольга	Жисмоний шахс, акциядор	428	0,01
10.	Рахматуллаева Лариса	Жисмоний шахс, акциядор	720	0,02
11.	Умерова Зарема	Жисмоний шахс, акциядор	344	0,01
12.	Джурабаева Санобар	Жисмоний шахс, акциядор	344	0,01
13.	Тиллабоева Махпуза	Жисмоний шахс, акциядор	344	0,01
14.	Гафурова Ирода	Жисмоний шахс, акциядор	512	0,01
15.	Эргашев Икром	Жисмоний шахс, акциядор	980	0,03
16.	Ибрагимова Зулфия	Жисмоний шахс, акциядор	428	0,01
17.	Юлданшева Башорат	Жисмоний шахс, акциядор	344	0,01
18.	Ўрмонов Бозорбой	Жисмоний шахс, акциядор	464	0,01
19.	Мамарахимова Рохила	Жисмоний шахс, акциядор	464	0,01
20.	Марупов Махаммад	Жисмоний шахс, акциядор	428	0,01
21.	Абдуллаев Исройлжон	Жисмоний шахс, акциядор	644	0,02
22.	Юнусова Рӯзихон	Жисмоний шахс, акциядор	256	0,01
23.	Мусаев Равшан	Жисмоний шахс, акциядор	256	0,01
24.	Эрназаров Халилжон	Жисмоний шахс, акциядор	552	0,02
25.	Халилдинова Омина	Жисмоний шахс, акциядор	344	0,01
	ЖАМИ:		3 111 624	85,41

Йигилиш раиси: С.Якубов – кузатув кенгashi аъзоси.

Йигилиш котиби: Р.Ҳасанова

Кун тартиби:

1. 2016 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг хисоботини ва қабул қилинган карорларни тасдиқлаш.
2. 2016 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқаруви раисининг хисоботини тасдиқлаш.
3. 2016 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар хисобварагини тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссиясининг хисоботи ва хulosасини тасдиқлаш.
5. Ташки аудитор хulosасини тасдиқлаш.
6. 2016 йил якуни бўйича жамият соғ фойдасини тақсимлаш.
7. 2017 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
8. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
10. Жамият бошқаруви аъзоларини сайлаш.
11. Жамият бошқаруви раисини сайлаш.
12. Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташки аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш.
13. Жамият узок муддатли стратегиясини тасдиқлаш.
14. Жамият Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш.
15. 2012 йил якунлари бўйича хисобланган дивиденд тўловларини талаб килиб олинмаган колдик кисмини жамият ихтиёрида қолдириш тўғрисида.
16. Жамият томонидан Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилишини кўриб чикиш.
17. Жамият ички низомларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш.
18. Жамият балансидаги “Фарғонаулгуржисавдо” МЧЖнинг 39,3 фоиз улушкини баҳолаш хисоботи ва баҳолаш хисоботини экспертизадан ўтказиш хulosасини ҳамда активни белгиланган тартибда сотиш ва сотишдан тушган маблағлардан мақсадли фойдаланиш масаласи кўриб чикиш.

Сўзга чиқдилар:

Йигилишни кузатув кенгаши раиси С.Якубов очди ва навбатдаги йиллик умумий йигилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан танишириш учун сўзни саноқ комиссиясининг раисига берди.

Саноқ комиссиясининг раиси Йигилишда умумий 3 643 308 та овозга эга бўлган 1220 та акциядорлардан 3 111 624 та овозга эга бўлган 25 та акциядорлар қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 85,41 % ини ташкил қиласди. Йигилишда кворум мавжуд.

Кузатув кенгаши раиси йигилишни очиқ деб эълон қилишни таклиф этди ва ушбу таклифни овозга қўйди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кузатув кенгаши раиси йигилишни ўтказиш учун ишчи президиум сайлашни таклиф этди ва унинг сони ҳамда таркиби бўйича таклиф киритишларини сўради.

“Ишчи президиуми З кишидан иборат бўлсин”, деган таклиф тушди ва овозга қўйилди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ

“Ишчи президиумига қуидагилар сайлансинг”, деган таклиф тушди:

Раис: С.Якубов - Кузатув кенгаши аъзоси.

Аъзолари:

Д.Умиров - “Ўзпахтаёг” АЖнинг ишончли вакили;

А.Мирзаахмедов - “Фарғонаёғмой” АЖ бошқарув раиси;

Йиғилиш котиби: Р.Хасанова.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, **“Қаршилар”** - йўқ, **“Бетарафлар”** - йўқ

Йиғилиш раиси С.Якубов кузатув кенгаши томонидан тузилган саноқ комиссиясининг сони ва таркибини эълон қилди ҳамда уни тасдиқлашни таклиф этди. Саноқ комиссияси Эргашев Икром, Махмудова Зуннурा, Ҳакимова Розалар таркибида тузилган. Ушбу таклиф овозга кўйилди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, **“Қаршилар”** - йўқ, **“Бетарафлар”** - йўқ

Йиғилиш раиси саноқ комиссиясига ишга киришиш мумкинлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва умумий йиғилишнинг қуидаги регламентини таклиф қилди.

Маърузачиларга – ҳар бир масала бўйича 10 минуттacha, музокарапарга 5 минуттacha.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди. Овоз бериш кун тартибининг 1-18 масалалари бўйича кўп овозли бюллетен, 18 та масаласи юзасидан кумулятив овоз бериш бюллетенлар орқали овоз берилишини, овоз бериш бюллетенлари акциядорларга уларни рўйхатга олиш пайтида тарқатилганини ва овоз бериш ҳамма масалалар мухокама қилиб бўлинганидан сўнг амалга оширилишини таъкидлаб ўтди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни мухокама килишга ўтилди.

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан кузатув кенгаши аъзоси С.Якубов маъруза қилди. У ўз маъруасида 2016 йил давомида корпоратив бошқарув тамойиллари корхона фаолиятида тўғри ташкил қилинганини, кузатув кенгаши аъзолари ўзига бириктирилган вазифалар асосида иш олиб боришганлагини, йил давоида 7 та йиғилиш ўтказилиб, йиғилишда биринчи навбатда корхонани иқтисодий-ижтимоий қўллаб қувватлаш, колаверса давлат манфаатлари йўлида белгиланган кўрсатмаларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан карорлар кабул қилинганини маълум қилди(илова қилинади).

Мухокамадан сўнг “кузатув кенгашининг ҳисоботи ва 2016 йилдаги карорлари тасдиқлансан”, деган таклиф овозга кўйилди.

Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича ҳисбот учун сўз бошқарув раиси А.Мирзаахмедовга берилди.

“Фарғонаёғмой” АЖ томонидан 2016 йилда 44361 тонна техник чигит қайта ишланган. 2016 йил давомида 7488 тонна оқланган ёғ. 6054 тонна кадокланган ёғ. 1850 тонна хўжалик совуни, 19885 тонна пахта кунжкараси ва 13980 тонна шелуха маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. 2016 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилга нисбатан 107,0 % га ўсган ва ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 116,1 % фоизни ташкил этган. Маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум 52173,4 млн. сўмни, сотилган маҳсулотларнинг таниархи 42474,3 млн. сўмни, маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда 9699,1 млн сўмни, давр ҳаражатлари 6690,8 млн сўмни ҳамда соф фойда ҳажми 3382,2 млн. сўмни ташкил этган.

2016 йил учун тасдиқланган бизнес режа бўйича 2000,0 млн.сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, амалда 3382,2 млн.сўм соф фойда олинган (ҳисбот илова қилинади).

Мухокамадан сўнг “Жамият бошқарувининг 2016 йил учун ҳисоботи тасдиқлансан ва қоникарли деб баҳолансин”, деган таклиф овозга кўйилди.

Кун тартибининг учинчи масаласи бўйича ҳисбот учун сўз жамият бош ҳисобчиси О.Хикматовга берилди.

О.Хикматов ўз сўзида 2016 йил давомида жамиятнинг молиявий холатида бўлиб ўтган ўзгаришлар ҳакида тўхталиб ўтди (хисобот илова қилинади).

2016 йилда маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум 52173,4 млн. сўмни ташкил этганини, бизнес режага эса кўрсаткич 40858 млн сўмни қилиб белгиланганлигини, ҳакиқатда бизнес режага нисбатан 1,3 %га ошириб бажарилганлигини, сотилган маҳсулот таннари 42474 млн. сўм, режага эса 32825 млн.сўмни ташкил қилганлигини, давр харажатлари 2016 йилда 6691 млн.сўм бўлиб, режага 5495 млн.сўм бўлганлигини, молиявий фаолият бўйича харажатлар 452 млн.сўм бўдиб, улардан банк томонидан олинган кредитлар фоизлари 333 млн.сўм, валюта курси фарки бўйича 119 млн.сўмни ташкил этганлигини, соф фойда эса 2000 млн.сўм режага нисбатан 3382 млн.сўмга бажарилганлигини таъкидлаб ўтди.

Корхона молиявий холатини яхшилаш мақсади учун З та узоқ муддатли кредит олинган ва улар куйидагиларга йўналтирилган:

- 2014 йил 19 август кунги 173-сонли шартномага асосан хом-ашё сотиб олиш учун 2499 млн.сўм олинган кредитдан 2016 йил 19 август куни кредит маблаги тўлиқ қайтарилид;

- 2015 йил 10 сентябрдаги 467-сонли шартномага асосан хом-ашё сотиб олиш учун 1000 млн.сўм олинган кредитдан 2016 йил давомида 850 млн.сўм маблаги қайтарилиган;

- 2015 йил 22 декабр куни 663-сонли шартномага асосан хом-ашё сотиб олиш учун 3900 млн.сўм олинган кредитдан 2016 йил давомида 2300 млн.сўм маблаги қайтарилиган.

Бу кредитларни қайтариш учун 2016 йилда 5650,0 млн. сўм тўлови амалга оширилган;

Йигилиш раиси С.Якубов жамият ҳисоботи бўйича ҳисоб китоблар ва молиявий камчиликларга ургу берилб, мазкур камчиликларга сабаб бўлган шарт-шароитларни таҳлил килиш. айбордor шахсларнинг хатти-харакатларига ҳуқуқий баҳо бериш, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишини таклиф этди.

Мухокамадан сўнг “Жамиятнинг 2016 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва заарлар ҳисоб-вараги тасдиқлансан” деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг тўртинчи масаласи бўйича ҳисобот учун сўз тафтиш комиссиясининг аъзоси Б.Фармоновга берилди.

Жамият тафтиш комиссиясининг 2016 йилдаги фаолияти давомида комиссия номига жамият бошқарувидан, акциядорлардан ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлардан аризалар ва мурожаатлар бўлмаган, комиссия йил давомида жамият бухгалтерияси ва молия фаолиятини ўрганиб борган. Комиссиянинг ҳисоботига кўра, жамиятнинг 2016 йил бухгалтерия баланси ва ҳисобварагида фойда ва заарлар бўйича маълумотлар тўғри акс эттирилган, ҳамда жамият афилланган шахслари билан тузилган йирик битимлар бўйича ўрганиб чиқилиб ҳисоботи тузиган(маълумот илова қилинади).

Музокаралардан сўнг “Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хulosаси тасдиқлансан”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

Мажлис раиси 2017 йил 23 июнь кунги акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамиятнинг 2016 молия-хўжалик фаолияти бўйича аудит текшируви учун Молия вазирлиги томонидан 2015 йил 28 августда берилган 00738-сонли лицензия асосида аудиторлик фаолиятини олиб борувчи “MAN GROUP AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан 14,0 млн. сўмга шартнома килинганлиги, аудит текширувлари йил давомида чоракма-чорак олиб борилиб, текширув натижалари бўйича 2017 йил 17 февраль куни аудиторлик ташкилоти томонидан ўз хulosаси берилганлигини билдириди.

Шундан сўнг сўзни “MAN GROUP AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти директорининг ўринбосари Е.Кимга берди.

Е.Ким ўз маърузасида корхона фаолияти текширилганида корхонада бухгалтерия ҳисобини юритишда асосий воситалар ҳисоби БХМС 5-сон ва товар-моддий захиралар ҳисоби БХМС 4-сон миллий андоза талабларига тўлиқ амал қилинганлигини, шунингдек БХМС 21-

сои миллий андозаси ва бухгалтерия хисоби юритишида шу миллий андоза асосида амалга оширилганлигини билдириди ва ижобий хулоса берилганлигини маълум қилди (хисобот илова қилинади).

С.Якубов йигилиш катнашчиларига аудит текшируви юзасидан саволлар бўлмаса. “MAN GROUP AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан “Фарғона ёғ-мой” АЖнинг 2016 йилги молия-хўжалик фаолияти бўйича берилган ижобий хулосаси тасдиқлансан деган қарорга бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:

“Ўзпахтаёғ” АЖнинг ишончли вакили Д.Умиров “Фарғона ёғ-мой” АЖда 2016 йилда 3.382.173.000 сўм соф фойда олинган бўлиб, “Ўзпахтаёғ” АЖнинг 2017 йил 22 июнданги ВД/8-1449-сонли хатига кўра 2016 йил якунлари бўйича дивидент тўлаш ишлаб топилган соф фойданинг 40 % и миқдорида бўлиши ва Кузатув кенгашининг 2017 йил 25 май кунги 7-сонли йигилиш баённомасига мувофик 2016 йил натижалари бўйича олинган соф фойдани куйидагича тақсимлани таклифини билдириди.

1. Дивиденд тўлови учун (3 643 308 дона оддий акциялар бўйича 365,00 сўмдан ҳамда 23904 дона имтиёзли акциялар бўйича 980,20 сўмдан) 1 353 233 340,00 сўм (40,01 %);
2. Резерв фонди учун 169 108 650 сўм (5,00 %);
3. Кузатув кенгаси ва бошқарув аъзолари, саноқ комиссиясини рағбатлантириш учун 67 643 460 сўм (2,0 %);
4. Корхонани ривожлантиришга, яъни кейинчалик устав фондига капитализация қилиш учун 1 792 187 550,00 сўм (52,99%).

“Ўзпахтаёғ” АЖнинг ишончли вакили Д.Умиров унбу кузатув кенгашининг соф фойда тақсимоти бўйича таклиfini йигилиш қатнашчиларига эшиттириб ўтгандан кейин, ҳозирги кунга келиб корхона пахта техник чигит стишмовчилиги туфайли 2017 йил июн, июл, август ойларида тухтаб туриши кузатилишини айтди, дивидент тўлаш коидасига кўра қарор қабул килингандан кейин 60 кун муддат ичida тўловни амалга ошириш кераклигини айтиб, жамият соф фойдасини тақсимлашни дивидент тўлашни амалга ошириш қийинроқ кечишини инбатга олиб соф фойда тақсимотини 2017 йил 3-чорак охирига, яъни сентябр ойига навбатдан ташкири умумий йигилиш чакирилиб, шу даврда соф фойдани тақсимлаш таклиfini киритди.

Муҳокамадан сўнг “2016 йил якунлари бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш масаласи 2017 йил 3-чорак охирига колдирилени” деган тақлиф овозга кўйилди.

Кун тартибининг еттизчи масаласи бўйича сўз стратегик режалаштириш, бозор коньюктураси ва эҳтиёжларини ўрганиш бўлими бошлиғи З.Қосимовага берилди.

Тасдиқлаш учун тақдим этилаётган 2017 йил учун бизнес режада корхонанинг асосий техник-иктисодий ва молиявий кўрсаткичлари акс эттирилган бўлиб, унда жамиятни ривожлантиришга асос бўладиган ҳамда иктисодий самарадорликни ошириш ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш ишлари кенг ёритилган (маъруза илова қилинади).

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 июнданги Ф-3426-сонли фармойишига ва Вазирлар Мажкамасининг 2010 йил 9 июлдаги 03/1-467-сонли йигилиш баёнига асосан “Фарғона ёғ-мой” АЖ шаҳар ташқарисига кўчирилганлиги, “Ўзпахтаёғ” АЖ билан келишилган ҳолда чигитни қайта ишлаш режалаштирилганлиги асосида 2017 йилда 45000 тонна техник пахта чигитини қайта ишлаш кўзда тутилган.

2017 йил қайта ишланган чигитдан 8392 тонна оқламаган ёғ, 7452 тонна оқланган ёғ, 5180 тонна доғланган ёғ, 5178 тонна қадоқланган ёғ ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, 2200 тонна хўжалик совуни, 535 тонна ДЖК ишлаб чиқарилади.

Молиявий хисоб режаси бўйича 2017 йилда жами 49,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилганлигини, маҳсулот таинархи 42,0 млрд. сўм бўлиб, давр харажатлари

7,4 млрд. сўмни, соф фойда олини эса 2700 млн. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ-1401-сонли қарорига асосан корхонанинг ишлаб чиқариш куввати йилига 250400 тонна ўрнига 126000 тонна этиб белгиланган, яъни кунига 400 тоннага ўзгартирилган, корхона бошқа жойга кўчирилиши муносабати билан 2017 йил ишлаб чиқариш куввати 35,7 % даражасида кутилмоқда.

“Ўзпахтаёт” АЖнинг ишончли вакили Д.Умиров бизнес режа гузини тартибларига кўра 2017 йил даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш масаласида тайёрланган бизнес режада соф фойда микдорини ўтган йилда ҳакиқатда олинган соф фойда микдоридан кам бўлмаган микдорда режалаштирилиши, бошқарувдан чиқсан 2017 йил 22 июн кунги 01/424-сонли хатига асосан 2017 йилда ёғ-мой махсулотларининг нархлари ортмаганлиги сабабли, ўтган 2016 йил соф фойдасида қайта баҳолашдан олинган кисми 734,6 млн.сўмни ташкил этганлиги, 2017 йилда соф фойдани белгиланишида қайта баҳолашдан олинган соф фойдани чиқариб ташланган холда 2017 йил учун соф фойда режаси 2700 млн.сўм этиб белгиланаётганлигини ва қайта ишлаб чиқилиш бизнес режасини “Ўзпахтаёт” АЖига тақдим этилиши лозимлигини айтиб ўтди.

Мухокамадан сўнг “Жамиятнинг 2017 йил учун бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасида соф-фойдани 3382173,0 минг сўмдан қайта баҳолашдан чиқсан 734588 млн.сўм маблагни чегириб ташланган холда (яъни ҳакиқий ишлаб чиқаришдан олинган соф фойда 2647585 минг сўм) ўтган йилдан кам бўлмаган холда, яъни 2700000 минг сўм режалаштирилсин ва қайта ишлаб чиқилиш бизнес режа “Ўзпахтаёт” АЖига тақдим этиши шартни билан тасдиқланени”. деган таклиф овозга кўйилди.

Кун тартибининг саккизинчи масаласи бўйича сўз кузатув кенгаши раиси С.Якубовга берилди.

“Фарғона ёғ-мой” АЖ акциядорларининг 2016 йил 25 июн куни ўтказилган навбатдаги умумий йигилишида Кузатув кенгашига сайланган Б.Шарипов, Ф.Акбаров, О.Шарипов, Ў.Джураев, С.Курбоналиев, С.Якубов, Ш.Болтабоев, С.Ниязов ҳамда А.Мавланов фаолият олиб борганилар ва Кузатув кенгаши ўз иш режаси бўйича йил давомида 7 та йигилиш ўтказганишини ва бугунги йигилишида улар катнашиб йил давомидаги кабул қилинган карорларни ижроси юзасидан хисоботларини тақдим этишди.

Кенгаш ўз йигилишларида акциядорларнинг умумий йигилиши, 2016 йил учун тасдиқланган бизнес режа кўрсаткичларини бажарилишини, чорак якуплари бўйича бошқарув томонидан олиб борилган ишлар юзасидан хисоботларини эшитганлиги, хисоботлар бўйича 2016 йилнинг чораклар бўйича хисоботлари маълумот учун қабул қилиниб фаолиятига ижобий баҳо берилганлиги хусусида сўз юритди.

Йигилиш раиси С.Якубов кузатув кенгаши аъзолари жамият устави бўйича тўқиз аъзодан иборат бўлишини билдириди.

“Ўзпахтаёт” АЖнинг 2017 йил 25 майдаги ВД/8-1207 сонли хатига асосан бюллетенга киритилган номзодларга кумулятив овоз бериллари ҳамда ушбу номзодлардан энг кўп овоз олган тўққизтаси кузатув кенгашига сайланишини айтиб ўтди ва ушбу номзодлар билан таништирди:

№	Номзоднинг Ф.И.Ш.	Номзодни таклиф этган акциядор номи ва акцияларнинг микдори
1.	Балтабаев Ш.С.	“Ўзпахтаёт” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
2.	Шарипов Б.М.	“Ўзпахтаёт” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
3.	Ниязов С.Б.	“Ўзпахтаёт” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
4.	Тошпўлатов Ф.	“Ўзпахтаёт” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
5.	Мавлянов А.М.	“Ўзпахтаёт” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %

6	Акбаров Ф.Р.	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
7	Джураев Ў.Т.	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
8	Шарипов О.	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
9	Курбоналиев С.	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %

Кун тартибидаги тўқизинчи масаласи бўйича сўз Кузатув кенгаши аъзоси С.Якубовга берилди.

Йигилиш раиси С.Якубов 2017 йил учун тафтиш комиссияси аъзолигига “Ўзпахтаёғ” АЖнинг 2017 йил 25 майдаги ВД/8-1207 сонли хатига асосан кузатув кенгаши томонидан қуидаги номзодлар таклиф этилган:

Номзоднинг Ф.И.Ш.		Номзодни таклиф этган акциядор номи ва акцияларнинг миқдори
1.	Фармонов Б.	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %
2.	Ғуломов М.	“Ўзпахтаёғ” АЖ, 3095500 дона, 99,5 %

Кун тартибидаги ўринчи масала юзасидан:

Раислик қилувчи жамиятга сайлананаётган бошқаруви таркибига қуидаги номзодларни таклиф этди:

1.	А.Мирзаахмедов	бошқарув раиси
2.	Б.Сафаров	Ишлаб чиқариш директори
3.	О.Ибрагимов	Бош энергетика хизмати бошлиғи
4.	О.Ҳикматов	Бухгалтерия хисоби, молия бўлими бошлиғи
5.	З.Қосимова	Стратегик режалаштириш, бозор коныоктурасини ва эҳтиёжларини ўрганиш бўлими бошлиғи

Мухокамадан сўиг “жамият бошқарувнинг яиги таркиби рўйхат бўйича сайлансан”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масаласи юзасидан:

Раислик қилувчи кун тартибидаги мазкур масала бўйича жамият кузатув кенгаши томонидан жамият бошқаруви раислигига “Ўзпахтаёғ” АЖ томонидан А.Мирзаахмедов номзодини қўйилганлигини, мажлисга тайёргарлик даврида акциядорлардан бошқа таклиф тушмаганлигини айтди. Сайланган бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси бир йилга тузилишини тушунтириди ва йигилиш катнашчиларидан бу масалада овоз беришни сўради.

Кун тартибининг ўн иккичи масаласи юзасидан:

Жамият бухгалтерия, молия бўлими бошлиғи О.Ҳикматов жамиятнинг 2017 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш юзасидан қуидаги аудиторлик ташкилотиаридан таклифлар тушганлигини айтиб ўтди:

- “HIMOYA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2008 йил 30 январ кунги Молия вазирлиги томонидан берилган 00467-сонли лицензияга эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун 18 млн. сўмлик тижорат таклифини берган;

- “ZIYO- AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2008 йил 30 январ кунги Молия вазирлиги томонидан берилган АФ 00211-сонли лицензияга эга). Бу ташкилот аудиторлик

хизматили ўтказиш учун 20 млн. сўмлик тижорат таклифини берган;

- "MAN-GROUP-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2015 йил 28 август кунги Молия вазирлиги томонидан берилган АФ 00738-сонли лицензияга эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун 14 млн. сўмлик тижорат таклифини берган.

Мажлис раиси йигилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2017 йил фаолиятини аудит текшируви учун тўланадиган ҳакнинг эпг юқори микдори ва ўз таклифини киритган аудиторлик корхоналар тажрибасини инобатга олиб, кўпчилик акциядорлар ва корхона мутахассисларини фикрларини инобатга олиб 14 млн.сўм тижорат таклифи билан катнашаётган "MAN-GROUP-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотини бўллетенда овоз беришни сўради.

Кун тартибининг ўн учинчи масаласи юзасидан:

Бу масала юзасидан Кузатув кенгashi аъзоси С.Якубов сўзни жамият инвестиция бўлими бошлиги С.Талиповга бериб жамитяпингн 2017-2021 йиллардаги стратегиясини, яъни шу бен ўйил мобайнида жамиятии иктиносий, молиявий салогиятини ошириш борасидаги стратегияси бўйича бир модернизация ишларини ва янгидан куриладиган цехларни, улардан келажакда олиндиган даромадлар тўғрисидаги хисоботини эшиттириб, ушбу стратегияни бугуиги умумий йигилишимизда тасдиқлаш кераклигини айтиб овозга кўйди.

Жамият уставига юкорида кўриб ўтилган масалалар ва конунчиликда киритилган ўзгартиришларга асосан ўзгартириш ва кўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлашни овозга кўйди.

Кун тартибининг ўн тўртинчи масаласи юзасидан:

Бу масала юзасидан йигилиш раиси С.Якубов жамият уставига конунчиликда киритилган ўзгартиришларга асосан ўзгартириш ва кўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлашни овозга кўйди.

Кун тартибининг ўн бешинчи масаласи юзасидан:

Бу масала юзасидан жамият бош хисобчиси О.Ҳикматов сўз олиб, 2012 ишлаб топилган соф фойдадан оддий ва имтиёзли акциялар учун 93 371 200 сўм дивидент ажратилсанлигини, шу давргача бу ажратилган дивидентдан акциядорлар томонидан 77 807 600 сўмлик қисми олингандигини, талаб қилинмаган қисми 15 653 600 сўмини "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 51-моддасига асосан акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивидент қисми жамият ихтиёрида колдирилиши кўрсатилганлини айтиб ўтди.

Музокаралардан сўнг "2012 йил якуплари бўйича хисобланган дивиденд тўловларини талаб қилиб олинмаган қолинк қисмини жамият ихтиёрида колдирилсени", деган тақлиф овозга кўйилди.

Кун тартибининг ўн олтинчи масаласи юзасидан:

Йигилиш раиси С.Якубов сўз олиб Корпоратив бошқарув кодекси бўйича қисқа тушунтириш берди.

Кодекс АЖ бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат эканлиги. Кодекс хисобдорлик, очиқлик, ҳакқонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда АЖни узок муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилсанлиги айтиб ўтилди ва "Фарғонаётмой" АЖда Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар кониқарли эканлиги, 2016 йилда мусткил баҳоловчи "ИШОНЧ" ЛТД МЧЖ томонидан корпоратив кодексе тамойилларига риоя этилиши юзасидан хулоса олингандиги ва бу ижобий хулоса эканлигини йигилиш интирокчиларига ўқиб эшиттирди, шундан кейин корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши тўғрисидаги масалани овозга кўйди.

Кун тартибининг ўн еттинчи масаласи юзасидан:

Бу масала юзасидан Кузатув кенгashi аъзоси С.Якубов сўз олиб Жамият ички

низомларини уларга киритилгандай ўзгартириш ва кўшимчалар билан янги таҳрирла тасдиқлашни овозга кўйди.

Кун тартибининг ўн саккизинчи масаласи юзасидан:

Кузатув кенгаши аъзоси С.Якубов сўзга чиқиб, жамият балансидаги “Фарғонаулгуржисавдо” МЧЖнинг 39,3 фоиз улушкини 1348,7 млн.сўмга баҳолаш бўйича мустақил баҳоловчи компаниянинг ҳисоботини ва баҳолаш ҳисоботи экспертизадан ўтказиш бўйича холис баҳолаш компаниясининг холосаси йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттириди. Бу актив ҳисобига йилига 10,0 - 15,0 млн.сўмдан дивиденд шаклидаги даромад олинаётганингини, айни пайтда ушбу улушни сотиш мақсадга мувофик бўлишини, сотишдан тушган маблагларни корхонани ривожлантириш учун кўшимча қиймат келтирувчи янги ишлаб чикаришларни жорий қилиш бўйича инвестиция лойихаларини молиялаштиришга ва корхонанинг айланма маблагларини тўлдиришга йўналтириш жуда катта самара бериши мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Шунга кўра, жамият балансидаги “Фарғонаулгуржисавдо” МЧЖнинг 39,3 фоиз улушки мустақил баҳоловчи компания томонидан баҳолангандай баҳолаш кийматидан юкори баҳода, яъни 2300,0 млн.сўм миқдорида бошлангич кийматидан белгиланган тартибда оммавий савдоларга чиқариш бўйича таклиф киритди. Мазкур актив таклиф этилаётган юкори бошлангич қийматида оммавий савдолар орқали сотилмаган тақдирда, активнинг бошлангич қийматини босқичма-босқич пасайтириш механизмини қўллаш орқали мустақил баҳолаш компания томонидан баҳолангандай кийматдан кам бўлмаган баҳогача, яъни 1348,7 млн.сўмгача пасайтириш механизмини қўллаш орқали оммавий савдоларда сотишни ташкил этиш ҳамда активни сотишдан тушган маблаглардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш жамият ижро органи зиммасига юклатилишини билдирилди ҳамда таклиф муҳокама учун овозга кўйилди.

Йиғилиш раиси С.Якубов мазкур масала юзасидан киритилган таклифларга бўллетең орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

Овозларни ҳисоблаш учун 10 минут танаффус эълон қилинди.

(танаффусдан сўнг)

Йиғилиш раиси сўзни саноқ комиссияси раисига берди. Саноқ комиссиясининг раиси И.Эргашев саноқ комиссияси мажлисларининг 2-сонли баённомасини ўқиб берди (илова килинади). Жумладан:

Хакикий деб топилган бўллетеңлар сони 25 дона, яъни 3 111 624 та овоз.

Овоз бериши натижалари ҳисобланганда, овозлар қўйидағи тақсимланганлиги маълум бўлди:

Кун тартибининг биринчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг учинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг тўртинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг бешинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг олтинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг еттинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг саккизинчи масаласи бўйича:

1.	Акбаров Фарход Рахманалиевич	3 111 624 та овоз
2.	Шарипов Отабек Бекмуродович	3 111 624 та овоз

3.	Курбоналиев Санжар	3 111 624 та овоз
4.	Балтабаев Шухрат Султанович	3 111 624 та овоз
5.	Шарипов Бобур Махсудович	3 111 624 та овоз
6.	Ниязов Санжар Бахтиярович	3 111 624 та овоз
7.	Тошибулатов Фарход	3 111 624 та овоз
8.	Мавлянов Аваз Мавланович	3 111 624 та овоз
9.	Джураев Ўкрам Турахонович	3 111 624 та овоз

Кун тартибининг тўқизинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг ўн биринчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи бўйича:

“NIMOYA-AUDIT” МЧЖ овоз йўқ.

“ZIYO- AUDIT” МЧЖ овоз йўқ.

“MAN-GROUP-AUDIT” 3 111 624 та овоз.

Кун тартибининг ўн учинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг ўн тўртинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг ўн бешинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг ўн олтинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг ўн еттинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг ўн саккизинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 111 624 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Йигилиш раисисаноқ комиссиясининг баённомаларини инобатга олишни сўради.

“Тарафдорлар” – 100,0 %, “Қаршилар” – Йўқ, “Бетарафлар” - Йўқ

Йигилиш раиси акциядорлардан йигилишни олиб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни сўради. Таклифлар тушмади.

Шу билан умумий йигилиш ўз ишини тамомлади. Йигилиш сўнгида,

**“ФАРГОНА ЁҒ-МОЙ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ҚУЙИДАГИЧА
КАРОР КИЛАДИ:**

1. 2016 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг хисоботи ва кабул килинган карорлари тасдиқлансан.
2. 2016 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқаруви раисининг хисоботи тасдиқлансан.
3. 2016 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва заарлар хисобвараги тасдиқлансан.
4. Тағтиш комиссиясининг хисоботи ва хulosаси тасдиқлансан.
5. Жамиятнинг 2016 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан “MAN GROUP AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хulosаси тасдиқлансан.
6. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш 2017 йил 3-чорак охирига қолдирилсан.

7. 2017 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлансан.
8. Жамият кузатув кенгашига қуидагилар сайлансан:
- Ф.Тошпұлатов, Ф.Р.Акбаров, Ү.Т.Джураев, О.Шарипов, С.Курбоналиев Ш.С.Балтабаев, Б.М.Шарипов, С.Б.Ниязов, А.М.Мавланов.
9. Тафтиш комиссияси қуидаги рўйхат бўйича сайлансан:
- Б.Фармонаев, М.М.Ғуломов.
10. Жамият бошқарувининг таркиби қуидаги рўйхат бўйича сайлансан:
- А.Мирзаахмедов, Б.Сафаров, О.Ибрагимов, О.Ҳикматов, З.Қосимова.
11. А.Мирзаахмедов Жамият бошқаруви раиси этиб тайинлансан.
12. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти бўйича аудиторлик текширувани ўтказиш “MAN GROUP AUDIT” МЧЖ аудит ташкилоти ва унга тўланадиган хизмат ҳаки миқдори 14 млн. сўм этиб тасдиқлансан.
13. Жамият узоқ муддатли стратегияси тасдиқлансан.
14. Жамият Уставига киритилган ўзгартериш ва кўшимчалар билан янги таҳрири тасдиқлансан.
15. 2012 йил якунлари бўйича ҳисобланган ҳамда бугунги кунга қадар дивиденд тўловларини талаб қилиб олинмаган қолдик қисми 15 653 600 сўми жамият ихтиёрида колдирилсан.
16. “Фарғона ёғ мой” АЖда Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан тайёрланган ҳисботи тасдиқлансан.
17. Жамият ички низомлари уларга киритилган ўзгартериш ва кўшимчалар билан янги таҳрири тасдиқлансан.
18. “Фарғона ёғ-мой” АЖни янада ривожлантириш мақсадида қўшимча қиймат келтирувчи янги ишлаб чиқаришларни жорий қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва корхона айланма маблағларини тўлдириш мақсадида жамият балансидаги “Фарғонаулгуржисавдо” МЧЖнинг 39,3 фоиз улуши мустақил баҳоловчи компания томонидан баҳолангандан баҳолаш қийматидан юқори баҳода, яъни 2300,0 млн.сўм миқдорида бошлангич қийматида белгилангандан тартибда оммавий савдоларга чиқарилсин. Мазкур актив таклиф этилаётган юқори бошлангич қийматида оммавий савдолар орқали сотилмаган таҳдирда, активнинг бошлангич қийматини босқичма-босқич пасайтириш механизмини кўллаш орқали мустақил баҳолаш компания томонидан баҳолангандан қийматдан кам бўлмаган баҳогача, 1348,7 млн.сўмгacha пасайтириш орқали оммавий савдоларда сотишни ташкил этиш ҳамда активни сотишдан тушган маблаглардан максадли фойдаланишини таъминлаш жамият ижро органи зиммасига юқлатилсин.

Йигилиш раиси

“Ўзпахтаёғ” АЖ ишончли вакили

Йигилиш котибаси

С.Якубов

Д.Умиров

Р.Хасанова

Баённома 01.07.2017 йил куни иккى нусхада расмийлаштирилди